



Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажакни буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 2 август, № 153 (4563)

Шанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2008 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг Президент Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим устувор йўналишларини, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, техник ва технологик янгилашга доир мақсадли комплекс дастурларини бажариш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг барқарор ўсиши мустаҳкамланди.

1. Макроиктисодий барқарорлик, иқтисодиётнинг изчил ва мувозанатли ўсиш суръатларини таъминлаш

2008 йилнинг иккинчи чорагида шу йилнинг биринчи чорагига нисбатан иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари жадаллашди ва бу биринчи ярим йилликда ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилнинг шу даврига қараганда 9,3 фоизга кўпайишни таъминлади. Ўзлаштирилган инвестициялар миқдорини 19,8 фоизга оширишни таъминлаган фаол инвестиция сиёсати ва қўлай инвестиция муҳити иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда муҳим омили бўлди. Етакчи саноат тармоқларини техник ва технологик модернизация қилишга доир амалга оширилётган чора-тадбирлар саноат ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришнинг юқори суръатини сақлашга ёрдам берди ва бу кўрсаткич 12,2 фоизни ташкил этди. Фаол ташқи савдо сиёсати экспорт ҳажмининг 48,2 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Иқтисодий юксалиш аҳоли реал пул даромадларининг 23,4 фоизга кўпайиши туфайли ички талаб, жумладан, истеъмол молларига бўлган талабнинг омиши билан кўллаб-қувватланди. Бу истеъмол товарларининг 16,6, чакана савдо айланмасининг 14,4 ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 18,9 фоизга ўсишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2007 йил биринчи ярим йиллигига нисбатан фоиз ҳисобида)


Кўрсаткичлар	2008 йилнинг 1-ярми
Ялпи ички маҳсулот	109,3
Саноат маҳсулотлари ҳажми	112,2
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	116,6
Ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари	105,4
Асосий капиталдаги инвестициялар	119,8
Қурилиш ишлари	109,1
Чакана савдо айланмаси	114,4
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	118,9

Ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларига макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан эришилди. Бунда кўйилган асосий омил бўлди: **1. Давлат бюджетининг мувозанатлашганлиги.** Давлат бюджети даромадлари жорий йил биринчи ярим йиллигининг прогност кўрсаткичларига нисбатан 101,1 фоизни ташкил этди, профицит эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз бўлди. Бизнесга солиқ юқини камайтиришга доир қўрилган чора-тадбирлар хусусий сектор корхоналарида ишлаб чиқаришни фаоллаштиришга ёрдам берди. Бунинг натижасида даромад солиғи бўйича тушумлар ўтган йилнинг шу даврига қараганда 42,6 фоиз, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови эса 36 фоизга ўсди. **2. Пул бозоридagi мувозанат ва миллий валютанинг барқарорлиги.** Инфляцияга қарши юритилган фаол сиёсат ва истеъмол бозорининг зарур товар ҳамда хизматлар билан тўлдирилиши натижасида инфляция жараёнлари секинлашди. Пул массаси ва сўм айирбошлаш курсининг ўзгариши белгиланган параметрлардан ошмади. Аҳолининг банклардаги депозитлари 19,3 фоизга кўпайди. **3. Мамлакат тўлов балансининг барқарорлиги ва ташқи савдонинг юқори ижобий салдоси.** Бунга экспортнинг юқори суръатда ўсиши, жумладан, энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (1,6 марта), машиналар ва ускуналар (116,2 фоиз), кимё маҳсулотлари (148,0 фоиз), хизматлар (125,8 фоиз) ҳисобидан эришилди.

(Давоми 2-бетда.)

БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ СИНОВИ

кеча мамлакатимиз олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди



Мамлакатимизда ёш авлод камоли йўлида амалга оширилаётган изчил ислотлар келажак ворисларининг ёруғ истикболини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, «Ёшлар йили» Давлат дастурида ҳам навқирон авлоднинг пухта билим эгаллаши, замонавий асосда таълим-тарбия олиши масаласи устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Қолаверса, ушбу ва бошқа тегишли ҳужжатларда олий таълим муассасаларида бугунги кун талаблари даражасидаги малакали мутахассислар тайёрлашга чуқур эътибор қаратилмоқда.

Хозирги тараққиёт замонида илм-фан ривожлангани сайин янгидан-янги соҳалар бўйича пухта билимли мутахассисларга эҳтиёж ортаётганлиги, табиий ҳол. Шунини инобатга олиб, бугунги кунда таълимдаги ислохотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ёшлар йилида кўллаб ўқув даргоҳлари янги йўналишлар бўйича қабул қилинган эътиборнинг тасдиғидир.

Президентимизнинг «2008-2009 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси

олий таълим муассасаларида қабул тўғрисида»ги Қарорига асосан, жорий йилда олий таълим даргоҳларининг бакалаврият йўналишида таълим олиш учун 58 минг киши қабул қилиниши кўзда тутилган. Бинобарин, талаба бўлиш истағида салкам 346 минг

абитуриент университети-миз талабаси бўлишни ҳисобга олсак, ўрта ҳисобда ҳар бир ўринга 12 нафардан талабор тўғри келмоқда, — дейди ЎЗМУ қабул комиссиясининг масъул котиби Нурали Маждов. — Ўқув даргоҳимизнинг ҳуқуқшунослик, инглиз тили, биология, хорижий филология ва иқтисодиёт таълим йўналишларида кизиқувчилар ниҳоятда кўп.

Гулҳаё Ниғматова университетнинг иқтисодиёт йўналишида таълим олишни ният қилган экан.

— Шаҳрисабз иқтисодиёт коллежини тамомладим, — дейди у. — Барча шартшароит муҳайё қилинган замонавий ўқув масканимизда математика, иқтисодиёт асослари, инглиз тили фанларининг пухта билим олганим боис, мазкур йўналишни талладим. Келажакда ташқи иқтисодий алоқалар мутахассиси бўлиб ишламоқчиман.

Аниқ мақсадли, ғайратшижоатли бундай йигитқизларимизнинг орзу-нигиди ва интилишлари кўнглида келажакка бўлган ишонч ҳиссини юксалтиради.

— Бу йил 1860 нафар

(Давоми 3-бетда.)

АВГУСТ ОЙИ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

Эрта кўламда ерни чигит экишга тайёрлаш ва уруғ қадашдан тортиб то бугунги кунгача астойдил меҳнат қилган дехқон, агар август ойида гўза парвариришни озгина сусайтиргудек бўлса, ҳосилдорлик гектар ҳисобига ўртача 8-10 центнерга камайиб кетади. Бу хулосани кўп йиллик кузатишларимдан келиб чиқиб айтаяпман.

Хирмон салмоғи фидойи меҳнатимизга боғлиқ

Гапнинг индаллоси, шу бир ой ичида ҳар биримиз уйимизни, боғимизни, бордини, барча ҳўзар-ҳаловатни унуттишимиз керак. Маълумки, чеканка, яъни гўза учларини чиқилиш июль ойида адоғига етказилган. Энди фермер ҳўжалигининг раҳбари ҳам, механизатор ҳам, сувчи ҳам пайкалма-пайкал юриб, экинга синчиқлаб раэм солиши шарт. Бир тул гўзанинг учи, ён шохлари чиқилмай қолган бўлса, билангики, яна ҳосилни бой бераётган бўламиз. Бироз ён шохлари ўсиб олсин — тул ва кўсақларнинг сони ошди, дейишимиз нотўғри. Чунки бундан кейин пайда бўлаган шона билан гулга умид боғламайлик. Ана шу ҳосил тугунчалари кўсақка айланиб, очилгунга қадар кеч куз бўлади. Ноябрьда

очилган чанокдаги пахтадан умид қилган дехқон эса, назаримда, адашади. Шундан келиб чиқиб айтмоқчиманки, ҳозир асосий эътибор бугунги гулни кўсақка айлантиришга қаратилмоғи зарур.

Яна бир муҳим гап. Пахта пайкалларини ўтоқ қилишнинг ўрни алоҳида. Бу усул кўсақ билан гулнинг тўкилиб кетишига йўл қўймайди. Қолаверса, ишлов бераётган техника органи ҳам ҳимоя воситалари билан ўралган бўлиши, ана шу техника қатор ораларида оҳиста юрмоғи лозим.

Гап касалликка келиб тақалган экан, шу кеча-қундузда гўза хашаротларини биологик усул билан ҳимоя қилишга икки-уч баравар кўпроқ эътибор қаратиш зарур бўлади. Ишловни, озиклантиришни, чиқилишни, сугоришни оби-тобида ўтказса-у, кўсақларни кўртга ем



қилиб қўйсақ, алам қилмайдимиз? Назоратчилар кунда, кунора даладарни қадам-бақадам кўздан кечиришлари шарт. Трикограмма, Бракон ва Оптикуз учирини ҳар ҳафтада ҳечқичирмай амалга ошириш ҳимоянинг энг яхши усулидир.

«Халқ сўзи» газетасининг 30 июль сониди биз, дехқонларга берилган тавсияларни жамоамизда диққат билан ўрганиб чиқдик. Ундаги фикрлар ва тақлифлар ҳаммамизга маъқул келди. Зеро, август ойида бир ғайратга ўнг ғайрат қўлиб меҳнат қилган дехқоннинг пичоғи мой кесади. Унинг даромади икки-уч хилс ортади. Аслида фаровонлик ҳам, ривожланиш ҳам мана шундай фидойилдан бошланади.

Раҳматилла ЙЎЛДОШЕВ, Бобуот туманидаги «Умнатқулос Тўйчибек» фермер ҳўжалиги сувчиси.

Истиклол йилларида Президентимиз ташаббуси билан таълим-тарбияга муносабат тубдан ўзгарди. 1997 йилдан бунён мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида мутлақо янг типдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари барпо этилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг барча босқичлари ҳаётга зўр муваффақият билан татбиқ қилинди.

ҲАМ РАҒБАТ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Шу маънода, мамлакатимизда ушбу жаҳда кенг қамровли ислотлар ёрқин самаралар бермоқда. Жумладан, таълим тизимининг ўрта бўғинида мислсиз ўзгаришлар юз берди.

Президентимизнинг кеча матбуотда эълон қилинган «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳодимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнати-га ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарориди касб-хунар коллежлари, академик лицейлардаги дарс сифатини яхшилаш, энг асосийси, раҳбар ҳамда педагог кадрларнинг меҳнати-ни моддий рағбатлантириш ва улар ҳақ тўлашнинг юксак касб маҳоратини намоён этган ҳамда таълим-тарбия жараёнига шахсан катта ҳисса қўшаётган иқтидорли педагогларни рағбатлантиришни кўзда ту-тувчи сифат жиҳатдан янги механизмни жорий этиш мақсадида аниқ вазифалар белгилаб берилди. Шу боис мазкур қарор таълимнинг ўрта бўғинида ишлаётган ҳамкасбларимизни ниҳоятда тўқин-лантириб юборди.

Ушбу қарор ўқитиш сифатини янада яхшилашда беки-ёс аҳамиятга эга. Чунки бугунги коллеж-лицейларда ке-

лажак ворислари давр талаб-ини англаган ҳолда билим олишяпти. Уларнинг дунёқара-шини янада шакллантириш, она-Ватанга муҳаббат, юрт-га садоқат руҳида тарбия-лашда олиб бориладиган машғулотларнинг таъсири катта. Бу эса, табиийки, биздан катта масъулият талаб эта-ди. Президентимизнинг ушбу қарори таълим сифатини яхши-лаш билан бир қаторда, ҳам-касбларимиз кайфиятига, иш-унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Зеро, энди фидойи ўқитувчиларни кадрлаш, изланувчан, янгилик яратишга қодир мураббий-ларнинг иқтидорини тўла-тўқис намоён этишлари учун кенг майдон очилди. Албат-та, бундай юксак эътироф за-мирида ўқитувчи меҳнати-га эҳтиром мужассам. Меҳнат-га яраша ҳақ тўлаш, қарор-дан келиб чиқиб ташкил эти-ладиган Директор жамғарма-си орқали фаол ҳамкасбларимизни рағбатлантириб бо-риш каби вазифалар, ўйлай-манки, ўзини ёш авлод тар-биясини деб билган ҳеч бир ўқитувчининг бефарқ қолди-рмайди.

Ўқитувчи эъзозланган юрт-да инсон қадр қиммати, меҳр-оқибат каби туйғулар ҳаммиша юксалиб боради.

(Давоми 2-бетда.)

Қуёш тутилиши кузатилади

Кеча мамлакатимизнинг барча ҳудудларида соат 15 дан бошлаб юртдошларимиз камдан-кам кузатиладиган ҳолат — Қуёш тутилишининг гувоҳи бўлишди. Қуёш, Ой ва Ер бир чизиқда бирлашди. Қорайтирилган ойна ва махсус мосламаларни қўлларига кўтарганча, минглаб ҳамюртларимиз ушбу ноёб ҳодисани қизиқиб томоғига қилишди.

Албатта, бу ҳодиса кишиларда айрим саволлар туғдирди: «Қуёш тутилиши об-ҳаво ёки одамлар саломатлигига таъ-сир ўтказмайdim?» Бу каби саволлар-га жавоб топиш мақсадида муҳбиримиз Республика Фанлар академиясининг Астрономия институти илмий ҳодими Талъат Охуновга мурожаат қилди:

— Мамлакатимиз аҳолиси Қуёшнинг қисман тутилишини кузати-ди, — дейди олим. — Уни тўлалигича Жанубий Си-бирь, Узок Шарқ ва Тинч океанининг бир қатор ҳудудларида кўриш мумкин бўлди. Даровке, Новосибирскда ўзбек астрономлари бир неча кун олдин бо-ришганди. Улар у ерда Қуёш тутили-ши

ни кузатиш билан бир қаторда илмий ахборотларни олишди. Дарҳақиқат, Қуёш тутилиши давомида ёруғлик би-роз камайди, ҳарорат ҳам сал тушди, ҳатто шабада эса бошлади. Бироқ бу об-ҳавонинг тубдан ўзгаришига, инсон соғлиғи ва руҳиятига ҳеч қандай таъ-сир кўрсатмади.

Қуёш тутилиши атиги икки соат да-вом этди. Унинг тўла тутилиши 2061 йил-да рўй беради. Қисман тутилишларни эса ҳар икки-уч йилда кузатиш мумкин.

Илҳом САНАЕВ.

Табиат ҳодисаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2008 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

II. Таркибий ўзгаришларни давом эттириш, иқтисодийнинг етакчи тармақларини модернизация қилиш ва янгилаш

Биринчи ярим йилликда Инвестиция дастурини амалга ошириш таркибий ислохотларни янада чуқурлаштиришга ёрдам берди ва мамлакатимиз ҳамда хорижий сармодорлар учун қулай шарт-шароит яратиб беришга қаратилди. Барча молия манбалари бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 3713,1 миллиард сўмни ёки 2007 йилнинг биринчи ярмидагига қараганда 119,8 фоизни ташкил қилди.

Инвестициялар умумий ҳажмининг ошиши асосида тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар миқдори 31,2 фоизга ўсди. Тикланиш ва тараққиёт жағрафiasi маблағлари ҳисобидан 88,4 миллион доллар ёки 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 4,9 марта кўп маблағ ажратилди. Капитал қўйилмалар умумий миқдорининг қарийб 70 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди.

Жорий йилнинг ҳисобот даврида 185 йirik ва кичик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Жумладан, озиқ-овқат sanoatida макорон, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича (75), енгил ва тўқимачилик тармоғида калава, тўқимачилик, чарм ва гилам маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш, шойи ва толани қайта ишлаш бўйича (28), қурилиш материаллари sanoatida девор қуриш учун мўлжалланган материаллар, пластик ромлар, эшиклар, шифер, рубероид ва бошқа қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича (46) объект ишга туширилди.

2008 йилнинг биринчи ярмида 3,5 миллиард куб метр газ ишлаб чиқариш қувватига эга "Помир" компрессор станцияси, "Нексия-2" енгил автомобилнинг янги моделини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, "Жиззах платформаси" очик акциядорлик жамиятида диаметри 315-630 миллиметр бўлган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш, "Қувасой қурилиш" масъулияти чекланган жамиятда шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, "Тагус текстиль", "Пой-тутексте", "Сиркежи Ташкент текстиль" қўшма корхоналари ва бошқа инвестиция лойиҳалари нихосига етказилди.

Жорий йил бошидан бугун 51 та дотация ҳудудида 87 кичик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди ва бу 2100 нафардан ортқ кишини иш билан таъминлаш имконини берди.

Иқтисодийнинг етакчи тармақларини модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш давомида ускуналар етказиб бериш ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун 341,2 миллион доллар ажратилди. Бу борада 29 инвестиция лойиҳалари, жумладан, автомобиль sanoatida 9, енгил ва тўқимачилик соҳасида 7, фармацевтика sanoatida 5, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 5, кимё sanoatida 2 ва металлургия sanoatida битта лойиҳа нихосига етказилди.

Ўқоридна қайд этилган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,8 фоизга ўсди. "Ўзфармасаноат" давлат акциядорлик компанияси корхоналарида ишлаб чиқариш қувватлари 68,1 фоиздан 72,5 фоизгача оширилди, доривор препаратлар экспорти 1,5 баравардан ўсди. Техник чигитни қайта ишлаш тўғрисида тозаланмаган пахта ёғи олиш (17,94 фоиздан 18,54 фоизгача) ва тозаланган пахта ёғи олиш (87,82 фоиздан 88,55 фоизгача) кўпайди. Бунинг натижасида қўшимча 4,8 минг тонна тозаланган ёғ олишга эришилди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва реконструкция қилиш тадбирлари доирасида янги ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ҳисобот даврида автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, электр узатиш линияларини ривожлантириш, темир йўл участкаларини, сув ҳамда

газ таъминоти тизимларини электрлаштиришга доир чоралар кўрилди. 500 кВ қувватга эга Сирдарё ИЭС - "Сўғдиёна" кичик станцияси ва "Янги-Ангрен ИЭС-Ўзбекистон" юқори кучлилиш линияларини (жорий йилнинг июлида юқори кучлилиш линия вақтинчалик схема бўйича 220 кВ токка уланди) қуриш, "Ташкент-Ангрен" темир йўл участкасини электрлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди. 647 километр сув қувири ва 418 километр газ узатиш тармақлари, 160 километр узунликдаги таъмирланган халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиш автомобиль йўллари ва узунлиги 80 погон метр 5 та кўприк фойдаланишга топширилди.

Қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш дастурларини амалга ошириш натижасида 579 та корхонанинг 373 тасида (корхоналар умумий сонининг 64 фоизи) ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичларининг яшиланиши кузатилмоқда. 242 та корхона ўтган йилга нисбатан ойлик ўртача ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш ҳажмини 20 фоиздан кўпроққа оширди, 119 та корхонада ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу корхоналарда 2784 иш ўрни яратилди ва қайта тикланди.

2006-2008 йилларда қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватлари негизда 103 та янги, жумладан, ҳисобот даврида 19 та корхона ташкил этилди. Қайд этилган мазкур корхоналарнинг 87 тасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 4 минг нафардан ортқ киши иш билан таъминланди.

Ривожлантириш ва техник модернизация қилиш дастурларининг амалга оширилиши санаот ишлаб чиқаришини 12,2 фоизга ошириш имконини берди. Бунда юксак ўсиш суръатлари машинасозлик ва металл қайта ишлаш соҳасида (120,3 фоиз), ёқилги sanoatida (119,5 фоиз), озиқ-овқат (130,2 фоиз), ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз sanoatida (129,8 фоиз) таъминланди.

Санаот маҳсулотларини ишлаб чиқариш (Ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2007 йилнинг 1-ярми	2008 йилнинг 1-ярми
Санаот, жами шу жумладан:	111,6	112,2
электр энергетикаси	99,4	100,7
ёқилги	112,0	119,5
қора металлургия	110,5	103,3
рангли металлургия	98,3	93,9
кимё ва нефть кимёси	120,3	108,4
машинасозлик ва металл қайта ишлаш	129,5	120,3
ёғоч, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз sanoati	125,3	129,8
қурилиш материаллари	116,4	108,2
енгил санаот	112,1	112,4
озиқ-овқат sanoati	107,9	130,2
бошқа санаот тармақлари	124,0	117,1

III. Ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш

Хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш давомида 2008 йилнинг биринчи ярмида 174 давлат активлари, жумладан, биржа савдоларида 38, Давлат тендер комиссияси қарорига биноан 6, кимё ишлаш ва танлов савдоларида 67, инвесторлар инвестиция мажбуриятлари авазига олган тенг харид қиймати бўйича 43 объект сотилди. Ҳисобот даврида 237 давлат корхонаси мулкчилик шаклини нодавлат шаклга ўзгартирди. Уларнинг 97,9 фоизи хусусий мулкдорлар томонидан тулик сотиб олинди.

2008 йилнинг биринчи ярмида Молия-банк тизимини ислох қилиш дастури, суғурта, аудиторлик, лизинг ва баҳолаш компаниялари, кредит уюшмалари ва тижорат банклари фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек, моддий ресурсларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш чора-тадбир-

ларининг амалга оширилиши тўғрисида бозор инфратузилмаси янада ривожланди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тижорат банкларининг устав капитални қарийб 2 баравар, жами капитални ва иқтисодийга кредит қўйилмалари тегишли равишда 40,7 ва 28,4 фоиз ўсди. Тижорат банкларидаги аҳоли омонатларининг ўсиши 51,5 фоиз кўпайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан берилётган кредитлар миқдори 46,2 фоиз кўпайди.

Молия хизматларининг умумий ҳажми микрокредитлар билан бирга 39,6 фоиз кўпайди. Шунингдек, кўрсатилётган молия-банк хизматлари номенклатураси, айниқса, қишлоқ жойларида янада кенгайди.

Аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, аудиторлик ташкилотларининг масъулиятини кучайтириш ва кўрсатилётган аудиторлик хизматларининг сифатини ошириш чоралари кўрилди.

Товарлар бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлашга хизмат қиладиган моддий ресурсларни сотиш бўйича бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржасида маҳсулот сотиш ҳажми 2008 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар ўсди.

IV. Аҳоли бандлиги даражасини кўтаришнинг энг муҳим йўналиши бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш

Кичик бизнесни янада ривожлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 6 ойи мобайнида рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик корхоналари сони шу йилнинг бошидагига нисбатан 2,9 фоиз ўсди ва 434,5 мингтани ташкил этди. Бунда рўйхатга олинган кичик корхоналар умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатаётган корхоналар улуши 0,7 фоиз ўсди ва 93,5 фоизни ташкил этди.

Фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари сони санаотда 4,1 қурилишда - 6,7, транспорт ва алоқа соҳасида - 14,2, бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 6,7 фоиз ўсди. Яппи ички маҳсулотда кичик бизнес улуши 2007 йил биринчи ярмидаги 38,1 фоиздан 40,2 фоизгача ўсди.

2008 йилнинг биринчи ярмида кўрсатилган хизматлар ҳажми 19 фоиз ўсди, яппи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи ўтган йилнинг шу давридаги 42,8 фоиз ўрнига 44,7 фоизни ташкил этди. Ахборот технологияларини фойдаланиш, молиявий капитални тўplash ва кредит-тўлов тизимини ривожлантиришни кўчатиришга асосланган замонавий хизмат турлари; шунингдек, истеъмол хусусиятига эга хизмат турлари жадал ривожланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 100 дан ортқ транспорт йўналишлари ташкил этилди, мингдан зиёд янги чакана савдо корхонаси, 190 умумий овқатланиш корхонаси, 1,4 мингта маиший хизмат кўрсатиш корхонаси фойдаланишга топширилди. Рақамли АТСлар сони кўпайди. Республикаимиз ҳудудларида мобил алоқа хизматларидан фойдаланиш кенгайтириш хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омилли ҳисобланади. Бу эса алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ўсишини 145,6 фоизга оширишни таъминлади. Автомобилларни таъмирлаш бўйича янги устаконалар ишга туширилди, уларнинг иш самарадорлиги оширилмоқда.

Шу йилнинг биринчи ярмида 372,1 мингта янги иш ўринлари (ҳудудий дастурлар кўрсаткичларига нисбатан 118,2 фоиз), шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 203,8 мингта ёки уларнинг умумий сонига нисбатан 54,8 фоиз, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 130,2 мингдан ортқ янги иш ўрни ташкил этилди (бу яратилган иш ўринлари умумий сонининг 35 фоизини ташкил этди).

Касаначиликни ривожлантириш негизда корхоналар ва хизматлар ишлаб чиқариш ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш бўйича олиб борилган фаол ишлар натижасида 66,7 мингта иш ўрни яратилди. Шу жумладан, йirik санаот корхоналари билан кооперация асосида 16,2 мингта, бошқа тармақларнинг йirik корхоналари билан 26,2 мингта тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга иктисослашган кичик санаот корхоналари билан 24,3 мингта иш ўринлари ташкил этилди. Умуман, ҳисобот даврида касаначиликда меҳнат шартномалари, пудрат ва оилавий бизнес шартномалари бўйича иш ўринлари ҳисобга олинган ҳолда, 132,6 минг киши иш билан таъминланди.

Меҳнат бозорига олиб борилган фаол сиёсат аҳоли бандлигининг 2,9 фоиз ўсишига қўмақлашди ва иш билан банд бўлганлар сони 305,9 минг кишига қўлайиб, 10,8 миллион кишини ташкил этди.

V. Сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ўнқурдорлигини оширишни таъминлаш, қишлоқ хўжалиқдаги ислохотлар самаралари, аҳолини озиқ-овқат билан барқарор таъминлаш

Жорий йилнинг биринчи ярмида Сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жағрафiasi маблағлари ҳисобидан сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида узунлиги 8070,1 километр магистраль, туманлараро ва хўжалиқлараро коллекторлари қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-қайта тиклаш бўйича 469 лойиҳа бажарилди. Мелиорация ва бошқа ишларни амалга оширишга иктисослашган 49 давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қишлоқ хўжалиғи ялпи маҳсулоти ўсиши 105,4 фоизни ташкил этди. Ўтган йилга қараганда полиз экинлари (141 фоиз), мева (115,1 фоиз), сазавот (114,6 фоиз), картошка (111,9 фоиз), сўт (106,6 фоиз) ва гўшт (106,4 фоиз) кўп етилдирилди.

Фермер хўжалиқларига турли хизматлар кўрсатиш мақсадида ёнгили-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича 1333 шохбеча, минерал ўғитлар билан таъминлаш бўйича 915 шохбеча, 1780 муқобил МТП, 1203 минибанк, 1676 сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини қўлайитиришни рағбатлантириш дастурини бажариш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

2008 йилнинг биринчи ярми давомида республика бўйича ташкил этилган 166 кимодор савдоси шохбечалари орқали 10406 бosh зотдор қорамол сотилди. 13,6 минг оилага сигир бепул тарқатилди.

2008 йил 1 июль ҳолатига қўра, тижорат банклари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка қўмақлаш жамғармаси томонидан аҳолига қорамол сотиб олиш учун умумий миқдори 20,1 миллиард сўмга тенг микрокредитлар ажратилди. Бунинг натижасида ўтган йилнинг биринчи ярми йиллигига нисбатан аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш 4,5 фоизга, сўт ишлаб чиқариш 3,5 фоизга кўпайди.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида Қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва бу маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар кооперациясини ташкил этиш дастури доирасида қайта ташкил этилган ширкатлар негизида 193 агрофирма тузилди. Қишлоқ хўжалиғи учун минн технологиялар ва ихчам ускуналарнинг III халқаро иктисослаштирилган қўрама-савдоси доирасида 173 лойиҳа, жумладан, мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича 58 лойиҳа, мева-сабзавотларни қуритиш бўйича 57 лойиҳа амалга ошириш бўйича савдо шартномалари имзоланди.

Мева-сабзавот ва гўшт-сўт маҳсулотлари иш-

лаб чиқаришнинг қўлайиши деҳқон бозорлари маблағ айланмасини 7 фоизга оширишни таъминлади.

Аҳолини озиқ-овқат таъминоти билан барқарор таъминлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида республика озиқ-овқат ва қайта ишлаш корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 130,2 фоиз таъминланди. Аҳолига ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 4,1 фоиз кўп ун сотилди, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2 баравар, шакар 2,1 баравар, ўсимлик ёғи 7,7 фоиз, сўт ва сўт маҳсулотлари 9,4 фоиз, спиртсиз ичимликлар қарийб 1,5 баравар ўсди.

VI. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш

Хукумат томонидан иш ҳақини қўлайитириш, бандликни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва корхоналарнинг молиявий аҳолини мустаҳкамлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг реал пул даромадлари 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоиз, ўртача номинал иш ҳақи 51 фоиз, ўртача пенсия миқдори 76,1 фоиз ўсди.

Шу йилнинг биринчи ярмида аҳолининг таълим, соғлиқни сақлаш, болалар спорти ва ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича олиб борилётган ишлар давом эттирилди. Бу борада 13265 ўқувчи мўлжалланган 18 та касб-хўнар коллежи ва академик лицей, 3784 ўқувчи мўлжалланган 19 та умумтаълим мактаби, 6 қишлоқ врачлик пункти, узунлиги 1023,5 километр сув қувири ва 451,8 километр газ узатиш тармақлари фойдаланишга топширилди.

Таълим тизимида амалга оширилаётган дастурлар доирасида болаларни умумий таълим, 9-синф битирувчиларини касб-хўнар коллежлари ва академик лицейларда ўқиш билан 100 фоиз камраб олишни таъминлайдиган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди. Иқтисодий тармақларидаги маъжуд бўш иш ўринлари, шунингдек, иқтисодий тармақларидаги таркибий ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда, ҳудудлар ва мутахассисликлар нукта назаридан ёшларнинг бандлик даражаси комплекс тарзда инвентаризация қилинди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш давомида ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш жойларини ташкил этиш, ёш оилаларнинг турар-йўш ва маиший шарт-шароитини яхшилаш, ёшлар таълими сифатини ошириш орқали уларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар бажарилди.

Ўтган давр мобайнида 5,3 минг нафар ишсиз йигит-қиз бозор эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда қайта тайёрланди. Қурилди Қўчалар сафида хизматини ўтаб қайтган 9,7 минг нафар йигит иш билан таъминланди. Коллежлар битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз ишини ташкил этиш учун Бандликка қўмақлаш жамғармасидан 1480,9 миллион сўмга тенг микрокредитлар ажратилди: уя-ўрғзор буюмларини сотиб олиш учун қиймати 16,3 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол кредитлари, шунингдек, ёш оилаларга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилиш учун 17,1 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари берилди. Қишлоқ жойларда 241 ёш ўқитувчи оиласига яқна тартибда уй қуриш учун ер участкалари ажратилди.

Иқтисодийни ривожлантиришнинг юқори суръатларини таъминлаш, иқтисодийта дахобий таркибий ва сифат ўзгаришларини давом эттиришга Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан 2008 йилда белгилаб берилган мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш орқали эришилди. Бу эса иқтисодийта бозор ислохотларини жадаллаштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва Ўзбекистон Республикасининг хар бир фуқароси учун қулай кафолатлар яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зеро, бу фаилатлар инсон қалбига бешиданок жо бўлади. Фақат уни тарбиялаш, нафис дид билан парваришлаш лозим. Ана шундай нозик ва

ҲАМ РАҒБАТ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

зифа ота-онадан кейин ўқитувчи зиммасига тушади. Бизнесни машаққатли меҳнатимизни қадраётган эканлар, Президентимизга мингдан минг раҳмат!

Умуман, истиқлол тўғрисида, ўқитувчиларнинг қадри-мизи ошди, толемимиз қулди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган, таълимда залворли ютуқларга эришилаётганини хар биримиз ўз тақдиримиз мисолида кўриб турибмиз. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу саъй-харакатлар натижасида ўлароқ, келажакка интилган, қўзғалари ёниб турган йигит-қизларимизни ҳаётга тайёрладик. Уч йиллик ўқуш давомида замонавий касб ва дунёқараш эгаси бўлган, хорижий тилларни пухта биладиган ёш авлод ҳаётга кириб келмоқда. Шунинг учун Президентимиз катта ғурур билан таъкидлаганларидек: «Кимки бизнинг ишимизга

баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин!..» Миллатнинг онгу тафаккурига баҳо берилганда, энг аввало, унинг маънавий қиёфаси, ўғимиздаги аждодлар

ри қолдирган бой меросдан нечоғли баҳраманд эканлиги ҳисобга олинади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ёшлар онгига миллий истиқлол гоҳисининг мазмун-моҳиятини сингдириш, уларда ватанпарварлик, аждодлар хотирасига чуқур эҳтиром ҳиссини шакллантириш, айниқса, таълим муассасаларида ўз амалий ифодасини топмоғи лозим. Шундай экан, бугун меҳрибон халқи ва ғамжўр Юртбоши меҳру мурувватидан куч олиб униб ўсаётган йигит-қизлар эртага ишонган тоғимизга айланади. Зотан, уларнинг камоли йўлида фидойийлик ила меҳнат қилаётган устозларга эзгу ният ила кўрсатилётган эътибор ва ғамжўрлик ҳеч қачон унутилмайди, биз кетмайди.

Изоот МАТЕҚУБОВ, Ҳамза номидаги республика мусиқа коллежи ўқитувчиси.

БУНЁДКОРЛИК САОДАТИ

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, юртимизда ёш оилаларни хар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар йилида эса бу жиҳатдаги ишлар қўлами янада кенгайди.



Раҳматжон Эржабоев бошчилигидаги «1-механизацияланган қўма карвон» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари Фарғона вилоятида ўнлаб қоллеклар, мактаблар, бахт уйлари, тураржой бинолари каби қатор иншоотларнинг барпо этилишида жонбозлик кўрсатмоқда. 2008 йилда ҳам жамият қурувчилари вилоят миқёсида бир неча объектлар қурилиб, ишга туширилишида ўзининг қатта ҳиссасини қўшмоқда. Айни пайтда жамоада минг нафардан зиёд қурувчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг оғирини енгил қилишда 250 дан зиёд турли техника воситалари жуда қўл келаётди.


Айни кунда жамият қурувчилари томонидан Фарғона шахрининг Навоий қўчаси ҳудудида 16 та хонадонга мўлжалланган 2 та корпусдан иборат «Ёшлар уйи»да қисқа муддатда қурилиш ишлари тугалланмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида бунёд этилаётган ушбу иншоотда яқинда 32 ёш оилаларнинг ҳовли тўйлари ўтказилади. Қолаверса, бу жамият қурувчиларининг Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрамга муносиб тўғфаси бўлади.

Муқимжон ҚОДИРОВ (Ў.а) олган сурат.

БОҒЛАРГА ТУТАШ МАКТАБЛАР

Ҳафизахон Обидовани Андижон вилоятида кўпчилик танийди. У Қўрғонтепа туманидаги Чимён қишлоғида жойлашган 31-мактаб ва унга қўшни бўлган 29-ликий-интернатга директорлик қилган кезлари хар иккала ўқув даргоҳида боғ ташкил эттирган эди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, Қўрғонтепага борганимизда опани халқ таълими бўлимининг ҳовлисида учратдик. Маориф мудирлигига тайинланганига ҳали ҳафта бўлмагандан хашар уюштириёт



ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ДАВОЛАШ МАСКАНИ

Қайроқи қишлоқ врачлик пункти Наманган вилояти марказидан 80 чақирим олислиқдаги тоғли қишлоқ аҳлига хизмат

қўрсатади. У даволаш-профилактика ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш учун катта имкониятларга эга. Масалан, ташхис қўйиш учун талаб этиладиган таҳлилларни бевоқифа шу ернинг ўзида бажариш мумкин. Махсус «Дамас» автомашинаси эса шошилинч ёрдамга муҳтож беморнинг хонадонига зумда етиб бориши.

хам қишлоқ шифохонасининг ўзида бўлади. Дарҳақиқат, қишлоқ ахлининг йўли яқин бўлди, имконияти ошди. Замонавий лойиҳа асосида қурилган алоҳида таҳлил

Тиббиёт

хонаси, эмлаш, муолажа тадбирларига мўлжалланган хоналардан иборат бинода бунинг учун зарур шарт-шароит яратилган. Тўрт ўринли кундузги даволаш бўлимида дори-дармонларни қабул қилиш, физиотерапевтик муолажаларни олиш мумкин. Кейинги йилларда моддий-техник имкониятлар янада кенгайди. Энди бу ерда илгари марказдагина фойдаланилган қондаги қанд моддасини баърам берди. Энди ташхис қўйиш ҳам, даволаш

гепатит хасталигига ҳулоса берувчи «Билитрубин АЛТ» ускунаси, кўча электрокардиограмма, бошқа жиҳозларни ишлатишяпти. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юқори даражага кўтариш, турли юқумли касалликлар, шунингдек, аёллар ўртасида экстрагенитал хасталикларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳам ўз самарасини берапти. Туғиш ёшидаги

Буларнинг барчаси, айтиш мумкинки, тиббиётда аввал амал қилиб келинган беш погонали тиббий ёрдам тизими ўрнида вужудга келган қишлоқ врачлик пунктлари ва туман марказий касалхонасидан иборат икки погонали тиббий-санитария тизимини янада такомиллаштириш, пировардига унахон андозалари даражасига кўтаришга хизмат қилади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Туйғу

БҲ МИЛЛАТИНИ ЕНГИБ БЎЛМАС

*Тупроғини ўпиб ўсган қалқон эл бу,
Улуғ йўлда кетаётган қарвон эл бу,
Жўмард эл бу, вазмин эл бу, полвон эл бу,
Бошда дўппи, белбоғини ечмайди у.
Жондан кечар, лек Ватандан кечмайди у!*

*Ким дунёсин тор билар, ким кенг билади,
Ким камига мутеликин енг билади?
Қай шер ўзин тулқиларга тег билади?
Шер маконинг шаънига доғ тўкиб бўлмас,
Шер юракли бу миллатни букиб бўлмас!*

*Оқиллиги бобосидан мерос қолган,
Хўрмат қолган, иймон қолган, ихлос қолган,
Пирларнинг қўли олаган, дуо олаган,
Аждодларга тош отиб ў тегиб бўлмас,
Муқаддас тупроқни поймол этиб бўлмас.*

*Кимдир четдан бу юртга тўн бичмоқ бўлар,
Қизларидан ор қўйлагин ечмоқ бўлар,
Шарбат тутган қўлдан ким қон ичмоқ бўлар,
Андишани кўрқоқликка менгиб бўлмас,
Ор-номусли бу миллатни енгиб бўлмас!*

*Ўтаверсин фаранг, инглиз, олмони ҳам,
Ўзи билан яхшиси ҳам, ёмони ҳам,
Олтин бўлса гар дунёнинг тўрт ёни ҳам,
Ўз Ватанинг бир гардига тенгиб бўлмас,
Эркин севган эл, миллатни енгиб бўлмас!*

Шаҳно АХРОРОВА.

ОРОЛЬЎЙИНИНГ САЙЁҲЛИК МАНЗИЛЛАРИ

Қорақалпоғистонда ўрта асрга тааллуки ёдгорликлар, тарихий обидалар жуда кўп

— Бу ўлкада сайёҳликнинг истиқболи порлок, — дейди «Ўзбектуризм» миллий компанияси Қорақалпоғистон экскурси ва саёҳат бюроси раҳбари Мақсет Қарлибоев. — Айниқса, экотуризм учун қулай шарт-шароит мавжуд. Айни пайтда юртимизга ташриф буюраётган меҳмонлар, хорижий сайёҳлар «Тўрткўл-Беруний», «Бўстон-Нукус», «Хўжайли-Мўйнок» йўналиши бўйича археология, тарих, этнография, санъат ва маданият ёдгорликлари билан танишадилар. Уларнинг Устурт пасттекислиги, Қизилқум саҳроси, Амударё сохиллари, Бадай тўқай кўриқхонаси табиатига қизиқиши катта. Хоразмда африғийлар ҳукмронлик қилган даврдан ёдгорлик — Филқалъа

ёдгорлиги ўша пайтдаги Қиёт шаҳри (ҳозирги Беруний шаҳри ўрни) ҳақида маълумот берувчи ягона «ғувоҳ»дир. Қўчаларида шу ерда туғилиб, камол тошган бобокалонимиз Абу Райҳон Берунийнинг излари сақланиб қолгандек, гўё. Бир пайтларда Кердер маданияти номи билан гуллаб-яшнаган маскан ҳам Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган. Ўша даврлар нафаси бугун Қуюқ ва Тўқ қалъалар ҳамда Бағдот қалъаларида акс садо бериб турибди. Ажойиб меъморлик намуналари ҳисобланмиш Миздаххон комплекси, Ережеп халифа мақбараси, Нозимхон сулуви, Шамуннаби, Жума масжидлари ҳам қадимий қадамжолардан.

Айни пайтда Нукус шаҳрида Санъат, Ўлкашунослик, ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими ҳузурдаги археология музейлари келажакни ўтмиш билан боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


Спорт Sport Спорт

ИШҚИБОЗЛАР ОМАД ТИЛАМОҚДА

Яна роппа-роса олти кундан сўнг Хитой пойтахти Пекиндаги «Куш уяси» стадионида тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари тантанали равишда очилади. Унда дунёнинг 205 мамлакатидан келган ўн мингдан ортиқ спортчилар медаллар учун кураш олиб бориши кутулапти.

Бу йилги ёзги Олимпиада ўйинлари йўлнамасини 58 нафар вакилимиз спортнинг 15 тури бўйича кўлга киритган. Уларнинг ҳар бири қайси спорт туридан майдонга тушиладиган қатти назар, дунё халқлари олдига Ўзбекистон номини янада улуғлашни, юксак натижаларни кўлга киритишни мақсад қилиб қўйишган. Қуни кеча спорт гимнастикчиларимиз Антон Фо-

машаққатли йўлни босиб ўтишди. Ҳозир уларнинг барчаси яхши спорт формасида. Олимпиада ўйинларига тайёргарлик жараёнида ҳукуматимиз томонидан уларга барча шарт-шароит яратиб берилди. Биргина шу йилнинг ўзида 120 да зиёв ўкув-йиғин машғулотлари ўсатирилган бўлса, шуларнинг 100 дан ортиги хориж мамлакатларида ташкил этилди. Етақчи му-



кин ва Луиза Галиулиналар биринчилардан бўлиб Хитойга кўчиб кетди. Бугун эса Ўзбекистоннинг асосий спорт делегацияси XXIX ёзги Олимпиада ўйинларига тантанали равишда кўзатилади. — Олимпиада йўлнамалари кўлга киритиш йилдан-йилга мураккаблашиб, қўйилаётган талаблар кўнчайиб бормоқда, — дейди Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Спорт ва Олимпия заҳиралари бошқармаси бошлиғи Лев Югай. — Биз ўз олдимизга йиғирма икки спорт тури бўйича йўлнамалар олишни мақсад қилиб қўйгандик. Аммо катта умид болаган бадиий гимнастика, футбол, стол тенниси, ашшақ ашиш, сузиш бўйича вакилларимизда бироз омад етишмади. Ташқиқлаш лозими, Пекинда юртимиз шарофати номия қиладиган 58 нафар спортчимизнинг ҳар бири йўлнамани олиш учун ниҳоятда

раббийлар, тажрибали психологлар ҳам бир спортчи билан алоҳида-алоҳида иш олиб боришди. Ҳозирда, айниқса, бокс, эркин ва юнон-рум кураши, джудо, таэквондо бўйича катнашадиган спортчиларимиздан катта натижалар кутаямиз. Йиллик мусобақаларда тобланган эркин курашчилар Дилшод Мансуров ва Артур Таймазов, боксчилар Баҳодиржон Султонов, Аббос Атоев, Элшод Расулов, джудоچи Абдулла Тангиров, таэквондочи Акмал Эргашев ва бошқа спортчиларимиз Пекин майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтариб, совриндор бўлишни мақсад қилиб қўйишган. Биз ҳам, табиийки, уларнинг иродаси ва маҳоратига ишонамиз. Бугун олимпиячиларимизга бугун Ўзбекистон халқи муваффақият тиламоқда. Умид қиламизки, юрдошларимиз Пекиндан медаллар шодаси билан қайтишадилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яқинда Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган 49-халқаро математика олимпиадасида қатнашдим. Мазкур беллашууда жамоамиз билан жами тўртта бронза ҳамда иккита фахрий дипломни кўлга киритишга муваффақ бўлдик. Бронза медалига сазовор бўлганларни тақдирлаш маросимида менинг ҳам номим тилга олинганда бениҳоя қувондим. Чунки бу менинг хорижда ўтказилган нуфузли беллашууда илк бор қатнашимим, илк галабам эди... Аслида олимпиадада иштирок этиш учун тайёргарлик кўра бошлаганимдаёқ, юксак натижаларга эришиш орзуси билан яшадим. Устозларим, юртим, лицейим шаъни ва обрўсини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўишни ниёт қилдим.



Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Юртим шаъни муқаддас

Негаки, жаҳоннинг 97 мамлакатидан беш юз нафардан зиёд вакил қатнашган мазкур беллашууда юқори кўрсаткичга эришиш ўзбек ёшлари ҳеч қимдан кам эмаслигининг яққол исботи эди. Зеро, юртимизда биз, ёшлар учун яратиб берилган шарт-шароит ва ғамхўрликларга муносиб жавоб эди, бу.

Кўпчилик дўстларим, нима учун айнан математикага қизиқасиз, деб сўрашди. Негаки, ушбу фан фақат рақамлардан иборатдек, қуруқ ҳисоб-китоб билан боғлиқдай туюлса-да, моҳиятан, унинг фалсафий маъноси ҳаёт ҳақиқатларининг инъикосидир. Масалан, халқимизда, «Хар ким эканини ўради», деган ҳикмати ибора бор. Худди шу сингари математикада ҳам баҳарган амалингиз, бирор масаланинг ечимини топишда қўллаган усулингизга қараб бирор натижага эришасиз. Маса-

лан, ўзим ҳам бирор математик амал ёхуд масаланинг ечимини топишга қийналган тақдиримдаям, барибир руҳимни турширмайман. Эринмай изланаман ва албатта, кўзлаган мақсадимга етаман. Ахир ҳаётда ҳам шундай-ку, киши нимагадир эришишни астойдил истаб,

Ифтихор

ҳаракат қилса, ўша орзу-ниятига етиши, шубҳасиз. Мени бу илмнинг ана шундай мазмун ва мантқиққа бой жиҳатлари ўзига ром этган. Шу боис, келгусида математика фани моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиб, қизгин тадқиқотлар олиб боришга аҳд қилдим.

Жаҳондаги энг нуфузли олимпиадада қатнашиш мен учун кўп ёркин таассуротларни ҳаёда этди. Хорижда танишган дўстларимга юртимизда биз, ёшлар учун яратилган имкони-

ятлар ҳақида гурурланиб гапирдим. Улар давлатимиз раҳбарининг ёш авлодга кўрсатаётган юксак эътибори ва ғамхўрлиги, бизнинг энг замонавий шароитлар ҳозирланган муҳташам коллеж ва лицейларда таълим-тарбия олаётганимиз, иқтидоримизни муносиб рағбатлантириш учун таъсис этилган юксак мукофот ва танловлар ҳусусида эшитиб, ҳавас қилишди. Ўша лаҳзаларда нақадар бебаҳо юрtda туғилиш бахтига муяссар бўлганим, инсон қадрини, шаънини ва манфаатлари барча нарсадан устун қўйилгучи ҳур замонда яшаётганимиз янада тeрaнpoқ англадим. Шу онлар кўнглимда беҳисоб шукроналик ҳиссини туйдим...

Диёра САЛИМОВА, Самарқанд Иқтисод ва сервис институти қошидаги академик лицей ўқувчиси.

Бир ёмоннинг касофати

Ўрмонда чиройли бир дарахт ўсарди. Ногаҳон бир сичқон келиб, унинг танасини кемира бошлади. Шунда дарахт шўрлик ҳасрат қилди:

— Ундай қилма, сичқонбой! Менинг ҳам униб-ўсгим келади. Нега мени куриятмоқчи бўласан, сенга нима ёмонлик қилдим, ахир? — Менинг ишим кемираш, — деди сичқон ва дарахтга жон-жаҳди билан ёпишди. Шу пайт бир илон секин ўрмалаб келиб сичқонни ямламай ютди юборди. Илон қорини тўйгазди бўлиб, офтобшувокда исиниб ётган эди, уни типратикан кўриб қолди. Оёқ учда писиб келди-да, илонни думидан тишлади. Илон ўзини қутқариш учун ҳар томонга ташланди, типратиканни чақмоқчи бўлиб, ҳужум ҳам қилди. Бироқ типратикан бўш келмади, ўткир тишлари билан илонни қора қонга бўяди. Охири илон жон берди. Бу орада тулки пайдо бўлганда, У семизгина типратиканни кўриб, уни аврашга тушди. Кирпи бечора тулкининг ширин сўзларига учиб, бошини чиқазди. Айёр тулки шу

захоти уни бўғиб ўлдирди ва гўштини паққос туширди. Уша кунни бўри ҳам оч қолиб, ўрмонда изғиб юрарди. Тулки текин томоқ билан овора бўлиб, бўрининг яқинлашганини

Ҳикоят


сезмай қолибди. У типратиканни ёб бўлиб, энди унга қараб жўнамоқчи эди, бўри уни таппа босди. Ярмини еди-ю, ярмини болаларига олиб боргани судраб кетди. Йўлда бўри шерга йўлиқди. Шер ундан мўмай ўлжани тортиб олди. Бўри ириллаб,

говга кўтармоқчи бўлган эди, шер уни бурда-бурда қилиб янчиб ташлади. Қарангки, шу кунни бир овчи ҳам ўрмонга шикорга чиққан эди. У ўта мерган эмасми, шерни мўлжалга олиб, ер тишлади. Ўлжанинг терисини шилиб, энди отига ўнгариб турганда тепасида бир киши пайдо бўлди.

— Нега ноёб ҳайвонларни отиб юрибсан? — деди тоғбеги, — бу ишинг учун жавоб берасан халқ. Қани олдимга туш, маҳамага борамиз. Овчи кўнмади. Иккови жижиллашиб қолишди. Тоғбеги қўлидаги оғир

қамчиси билан овчининг бошига урди. Овчи отдан йиқилиб, жон берди. Тоғбеги шер терисини эгарига солди, овчининг отини етаклаб ўрмондан чиқа бошлади. Шу пайт рўпарасидан лоп этиб тўнғиз чиқиб қолди. Тоғбегининг оти ҳурчиб кетди, эгасини ерга отиб урди. Тўнғиз тоғбегининг қорини ёриб ташлади. Унинг ичак-чавоғи ўз бошига ўралиб қолди. Шундай қилиб, бир сичқоннинг касофати билан Худонинг қанча махлуқоти дунёдан бевақф кўз юмди.

Содиқулло СИЁЕВ.



Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғимга Г — 756: 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
[]-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мусахҳах — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқини — 21.20 Тошпирилди — 22.55 1 2 3 4 5 6 7